

«ТАСДИҚЛАНГАН»
«Chirchiq transformator zavodi» АЖ
Акциядорлари умумий йиғилишида
07.07.2017й. баённомаси

Ушурова Н.С.

«CHIRCHIQ TRANSFORMATOR ZAVODI»
АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИНИНГ
ТАФТИШ КОМИССИЯСИ ТЎҒРИСИДАГИ
НИЗОМ

Чирчиқ шаҳри, 2017 йил

МУНДАРИЖА

I	УМУМИЙ ҚОИДАЛАР.....	3
II	ЖАМИЯТНИНГ ТАФТИШ КОМИССИЯСИ ВАЗИФАЛАРИ.....	3
III	ТАФТИШ КОМИССИЯСИНING ҲУҚУҚЛАРИ.....	5
IV	ТАФТИШ КОМИССИЯСИ ВА УНИНГ АЪЗОЛАРИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ.....	5
V	ТЕКШИРУВЛАР (ТАФТИШЛАР) ЎТҚАЗИШ ТАРТИБИ.....	6
VI	ТАФТИШ КОМИССИЯСИНING МАЖЛИСЛАРИ.....	8
VII	ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР.....	9

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. Мазкур «Chirchiq transformator zavodi» акциядорлик жамиятининг (бундан буён – Жамият) тафтиш комиссияси тўғрисидаги Низоми жамиятнинг тафтиш комиссиясининг фаолият тартибини ва жамиятнинг бошқа аъзолари билан ўзаро муносабат юритиш тартибини белгилайди.

1.2. Тафтиш комиссияси жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти устидан назоратни амалга оширувчи орган ҳисобланади.

1.3. Тафтиш комиссияси ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг Қонунлари, ҳамда бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларига ва жамият уставига амал қилади.

1.4. Тафтиш комиссиясининг сон тартиби, унинг таркибига сайланадиган муайян шахсларга нисбатан қўйиладиган чекловлар, шунингдек тафтиш комиссияси аъзоларини сайлаш тартиби Ўзбекистон Республикасининг Қонунлари, ҳамда жамият устави билан белгиланади.

1.5. Тафтиш комиссияси акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши томонидан бир йил муддатга, кейинги акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишигача сайланади.

1.6. Айти бир шахс жамиятнинг тафтиш комиссияси таркибига (тафтишчиликка) кетма-кет уч мартадан ортиқ сайланиши мумкин эмас.

1.7. Тафтиш комиссияси раиси (бундан буён – Раис) комиссиянинг ўз таркиби ичидан, сайланган аъзоларининг умумий сонининг кўпчилик овози билан сайланади ва исталган вақтда қайта сайланиши мумкин. Раис тафтиш комиссияси ишини ташкил этади, тафтиш комиссияси мажлисларини чақиради ва уларда раислик қилади, тафтиш комиссияси мажлисларда баённома юритилишини ташкил этади.

II. ЖАМИЯТНИНГ ТАФТИШ КОМИССИЯСИ ВАЗИФАЛАРИ

2.1. Жамиятнинг молиявий-хўжалик фаолиятини текшириш (тафтиш қилиш) бир йиллик ёки бошқа давр ичидаги фаолияти яқунлари бўйича тафтиш комиссиясининг ташаббусига билан, акциядорлар умумий йиғилишининг, кузатув кенгашининг қарорига ёки жамият овоз берувчи акцияларининг ҳаммаси бўлиб камида 5% эгаллик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) талабига биноан, кузатув кенгашини олдиндан хабардор қилиб қўйиш орқали амалга оширилади.

2.2. Тафтиш комиссияси текширувлар (тафтишлар) ўтказишда қуйидаги вазифаларни амалга оширади:

— жамиятнинг ҳисоботларида ва бошқа молиявий ҳужжатларида кўрсатилган маълумотларнинг ишончлилигига доир баҳо бериш;

— бухгалтерия ҳисоби юритилишининг амалдаги меъёрий ҳужжатларга мослигини таҳлил қилиш;

— молия-хўжалик фаолиятида ўрнатилган меъёрий қоидаларга риоя қилинишини таҳлил қилиш;

— бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботни тақдим этиш тартиби бузилганлиги, шунингдек молия-хўжалик фаолияти амалга оширилаётганда қонун ҳужжатлари бузилганлиги фактлари тўғрисидаги ахборот бериш.

2.3. Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш яқунларига кўра тафтиш комиссияси хулоса тузади.

2.4. Тафтиш комиссияси (тафтишчи) жамиятда аффилиланган шахслар билан тузилган битимлар ёки йирик битимлар мавжудлиги, шунингдек қонун ҳужжатларининг ва жамият ички ҳужжатларининг бундай битимларни тузишга доир талабларига риоя қилиниши тўғрисидаги хулосани ҳар чоракда жамият кузатув кенгашининг мажлисига олиб чиқади. Жамиятнинг ҳисоботларида ва бошқа молиявий ҳужжатларида кўрсатилган маълумотларнинг ишончлилигига доир баҳо, ҳамда бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботни тақдим этиш тартиби бузилганлиги, шунингдек молия-хўжалик фаолияти амалга оширилаётганда қонун ҳужжатлари бузилганлиги фактлари тўғрисидаги ахборотларни ўз ичига олган хулоса акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида эшитилади.

2.5. Бунда, жамиятда аффилиланган шахслар билан тузилган битимлар ёки йирик битимлар мавжудлиги, шунингдек қонун ҳужжатларининг ва жамият ички ҳужжатларининг бундай битимларни тузишга доир талабларига риоя қилиниши тўғрисидаги хулоса тафтиш комиссияси томонидан, жамият ижроия органи тақдим этган ҳужжатлар ва материаллар асосида, Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунининг 8 ва 9 бобларига, ҳамда бошқа қонун ҳужжатларига риоя қилган ҳолда тайёрланади. Қонун ҳужжатларига риоя қилинган ҳолда тайёрланган аффилиланган шахслар билан тузилган битимлар ёки йирик битимларга тааллуқли ҳужжатлар ва материалларни тақдим этилмаганлиги ёки ўз вақтида тақдим этилмаганлиги юзасидан жавобгарлик жамият ижроия органи зиммасида бўлади.

III. ТАФТИШ КОМИССИЯСИНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ

3.1. Тафтиш комиссияси ўз вазифаларини тегишли тарзда бажариши учун қуйидаги ҳуқуқларга эгадир:

— жамият бошқарув органларидан, унинг таркибий бўлинмалари раҳбарларидан жамиятнинг молиявий-хўжалик фаолиятига оид бўлган ҳужжатларни талаб қилиш; кўрсатилган ҳужжатлар жамиятнинг мансабдор шахслари томонидан ёзма кўрсатма олингандан кейин беш кун мобайнида тақдим этилиши керак;

— жамиятнинг кузатув кенгашининг мажлисини чақиришни, акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши чақирилишини талаб қилиш. Тафтиш комиссиясининг мажлис чақириш тўғрисидаги талаби қарори унинг мажлисда иштирок этаётган тафтиш комиссияси аъзоларининг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади ва бундай қарор қабул қилишда овоз берган тафтиш комиссияси аъзолари томонидан имзоланади. Чақириш тўғрисидаги талабда йиғилиш кун тартибига киритилиши керак бўлган масалалар, уларни киритиш сабаблари кўрсатилган ҳолда таърифланган бўлиши керак;

— тафтиш комиссиясининг ваколат доирасига кирадиган масалалар юзасидан жамият ходимлари, шу жумладан мансабдор шахсларидан шахсий тушинтиришларни талаб қилиш;

— ўрнатилган тартибда жамиятнинг ходимларини, шу жумладан мансабдор шахсларини интизомий ва моддий жавобгарликка жалб қилиш бўйича таклифларни киритиш;

— Низом билан белгиланган тартиб ва миқдорда мукофот ва компенсациялар олиш.

IV. ТАФТИШ КОМИССИЯСИ ВА УНИНГ АЪЗОЛАРИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

4.1. Тафтиш комиссиясининг мажбуриятлари:

— жамиятнинг молиявий- хўжалик фаолиятида камчиликлар ёки жамият манфаатлари учун хатарлар аниқланган ҳолларда, жамиятнинг кузатув кенгашининг мажлисини ёки акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақирилишини, жамиятнинг келтирилган аъзолари ваколати доирасига кирувчи масалалари юзасидан тегишли қарорлар қабул қилишни талаб қилиши;

— жамиятнинг молиявий-хўжалик фаолиятини текшириш яқунлари бўйича хулосани жамият кузатув кенгашига акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши ўтказиладиган санагача тақдим қилиши;

— жамиятнинг ҳисоботларида ва бошқа молиявий ҳужжатларида кўрсатилган маълумотларнинг ишончлилигига доир баҳо бериши;

— бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботни тақдим этишда, шунингдек молия-хўжалик фаолияти амалга оширилаётганда Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида ўрнатилган тартибларни бузилганлиги борасидаги далиллар ҳақида текширув ўтказиш ташаббускорини хабардор қилиши.

4.2. Тафтиш комиссияси аъзолари ҳуқуқ ва мажбуриятларини амалга оширишда, жамият манфаатлари кўзлаб виждонан ва оқилона иш тутишлари лозим.

Текширувлар (тафтишлар) ўтказишда тафтиш комиссиясининг аъзолари текширув (тафтиш) мазмунига киритиладиган барча ҳужжатлар ва материалларни батафсил тарзда ўрганишлари лозим.

4.3. Тафтиш комиссияси аъзоларининг ваколатлари акциядорлар умумий йиғилиши қарори билан, қуйидаги ҳолларда муддатидан илгари бекор қилиниши мумкин:

— ўз хоҳишига кўра;

— нопоклик билан ҳуқуқларини амалга ошириб, вазифаларини бажарган тақдирда;

— қонунда кўзда тутилган ҳолларда;

4.4. Тафтиш комиссияси аъзоси:

— ўз ташаббуси билан тафтиш комиссияси таркибидан, тафтиш комиссиясини раиси ва жамиятнинг кузатув кенгашини ёзма равишда хабардор қилган ҳолда чиқишга (ўз ваколатларидан муддатидан илгари соқит бўлишда);

— ўз вазифаларини бажаришида дахлдор бўлган ҳужжатларда (маълумотларда) ошкор бўлган тижорат сирига жамият томонидан ўрнатилган тартибда риоя қилишга мажбурдир.

V. ТЕКШИРУВЛАР (ТАФТИШЛАР) ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ

5.1. Жамият фаолиятини режа бўйича текшириш (тафтиш қилиш) жамиятнинг бир йиллик фаолияти якунлари бўйича амалга оширилади.

5.2. Қолган барча текширувлар (тафтишлар) режадан ташқари бўлади.

5.3. Режадан ташқари текширувлар (тафтишлар):

— жамиятнинг овоз берувчи акцияларининг 5 фоизидан кам бўлмаган қисмига эгалик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) талаби бўйича;

— акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига кўра;

- кузатув кенгашининг қарорига кўра;
- тафтиш комиссияси ташаббусига кўра ўтказилади.

5.4. Режадан ташқари текширув (тафтиш қилиш) ўтказиш талабномаси тафтиш комиссиясининг Раиси номига, жамият манзилига буюрма хат билан ёки факс алоқаси орқали, ёхуд жамиятнинг канцеляриясига юборилади. Талабнома тақдим қилинган сана, унинг жамиятга почта орқали, ёхуд факс алоқаси орқали келиб тушган санаси ёки жамият канцеляриясига топширилаётганлиги ҳақидаги хабарноманинг санаси бўйича аниқланади.

5.5. Режадан ташқари текширув (тафтиш қилиш) ўтказиш талабномаси қуйидагиларни ўз ичига олиши керак:

- режадан ташқари текширув (тафтиш қилиш) ўтказиш ташаббускори номи;
- режадан ташқари текширув (тафтиш қилиш) ўтказиш заруриятини ишончли асосномаси.

Режадан ташқари текширув (тафтиш қилиш) ўтказиш ташаббускорлари талабномасига:

— агар талабнома акциядорнинг (акциядорларнинг) ишончли вакили бўлган жисмоний шахс томонидан имзоланадиган бўлса, унда унга Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари талаби асосида расмийлаштирилган ишончнома;

— агар юридик шахс бўлган акциядор (акциядорлар) томонидан талаб қилинган бўлса, юридик шахснинг устави, юридик шахснинг вакили этиб лавозимга тайинланиш туғрисида ҳужжат, ёхуд Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари талаби асосида расмийлаштирилган ишончнома (ёки кўрсатилган ҳужжатларни нотариал тартибда тасдиқланган нусхалари);

— агар режадан ташқари текширув (тафтиш қилиш) акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига ёки кузатув кенгашининг қарорига кўра ўтказиладиган бўлса, тегишли тарзда расмийлаштирилган акциядорлар умумий йиғилиши ва кузатув кенгашининг баённомалари (кўчирмалари) нусхалари илова қилиниши керак.

5.6. Тафтиш комиссияси тегишли тарзда расмийлаштирилган талабнома тақдим этилган санадан бошлаб 10 иш куни ичида режадан ташқари текшириш (тафтиш қилиш) ўтказилиши ҳақида қарор қабул қилиши ёки тафтиш ўтказишни рад этиш бўйича жавоб бериши керак.

Тафтиш комиссияси Раиси режадан ташқари текширув (тафтиш қилиш) ўтказиш ҳақида қарор қабул қилинган пайдан эътиборан 5 иш куни мобайнида текширув (тафтиш қилиш) ўтказиш ташаббускорига ёзма равишда хабар қилиши керак.

5.7. Режадан ташқари текшириш (тафтиш қилиш) ўтказишга рад жавоби қуйидаги ҳолларда берилади:

— режадан ташқари текшириш (тафтиш қилиш) ўтказишни ташаббускори Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига асосан бундай текшириш (тафтиш қилиш) ўтказишни талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлмаган шахс бўлса;

— талабнома ваколатлари тегишли равишда тасдиқланмаган шахс томонидан имзоланган бўлса.

5.8. Режадан ташқари текширув (тафтиш) ташаббускорлари, тафтиш комиссияси томонидан текширув (тафтиш) ўтказилиши ҳақида қарор қабул қилгунларига қадар исталган вақтда, тафтиш комиссиясини Низомнинг 5.4. бандига асосан хабардор қилган ҳолда, ўзининг талабномасини чақириб олишга ҳақлидир.

5.9. Режадан ташқари текширув (тафтиш) давомийлиги 90 (тўқсон) кундан ошмаслиги керак.

5.10. Режадан ташқари текшириш (тафтиш қилиш) ўтказиш натижалари ҳақида қабул қилинган қарор, режадан ташқари текшириш (тафтиш қилиш) ўтказишни ташаббускорига хат орқали ёки факс алоқа воситаси орқали ёхуд шахсан ўзига тилхат асосида, тафтиш комиссияси мажлиси баённомаси имзоланган пайтдан эътиборан 5 иш куни мобайнида етказилади.

VI. ТАФТИШ КОМИССИЯСИНING МАЖЛИСЛАРИ

6.1. Тафтиш комиссияси барча масалаларни ўз мажлисларида ҳал қилади.

6.1.1. Тафтиш комиссиясининг мажлислари зарурият туғилганда Раис томонидан қонун ҳужжатларида, жамият Уставида ва Низомда белгиланган талабларга риоя этилган ҳолда чақирилади.

6.1.2. Мажлислар тафтиш комиссиясининг тасдиқланган режаси бўйича, шунингдек текширув ёки тафтиш ўтказилишидан аввал ва уларнинг натижалари бўйича ўтказилади.

6.1.3. Тафтиш комиссиясининг аъзоси кечиктирмасдан ҳал қилиниши талаб қилинадиган камчиликлар аниқланган тақдирда, комиссиянинг навбатдан ташқари мажлисини чақирилишини талаб қилишга ҳақли.

6.1.4. Тафтиш комиссиясининг барча мажлислари юзма-юз шаклда ўтказилади.

6.1.5. Тафтиш комиссияси мажлисида, унинг сайланган аъзоларининг ярмидан кам бўлмаган қисми иштирок этаётган бўлса, тафтиш комиссиясининг мажлиси қонуний ваколатга (кворумга) эга бўлади.

6.1.6. Мажлисларда масалаларни ҳал қилишда тафтиш комиссиясининг ҳар бир аъзоси битта овозга эга. Тафтиш комиссиясининг бир аъзоси ўз овозини тафтиш комиссиясининг бошқа аъзосига ёки бошқа шахсга бериши таъқиқланади.

6.2. Тафтиш комиссиясининг қарорлари мажлисда ҳозир бўлган тафтиш комиссияси аъзоларининг кўпчилик овози билан қабул қилинади.

6.3. Тафтиш комиссиясининг мажлисида баённома юритилади.

Мажлис баённомасида қуйидагилар кўрсатилади:

- тафтиш комиссияси мажлиси ўтказилган жойи ва вақти;
- тафтиш комиссияси мажлисида муҳокама қилинган масалалар;
- тафтиш комиссияси мажлисида иштирок этган тафтиш комиссияси аъзоларининг шахсий таркиби;
- тафтиш комиссияси мажлиси иштирокчилари маърузаларининг асосий қоидалари;
- овоз беришга қўйилган масалалар ва улар юзасидан ўтказилган овоз бериш яқунлари;
- тафтиш комиссияси томонидан қабул қилинган қарорлар.

6.4. Тафтиш комиссияси мажлисининг баённомаси мажлис ўтказилганидан сўнг уч (3) кундан кечиктирмай тузилади ва мажлисга раислик қилувчи томонидан имзоланади, у мажлис баённомаси тўғри расмийлаштирилиши учун жавобгар бўлади.

Тафтиш комиссиясининг аъзоси қабул қилинган қарордан рози бўлмаган тақдирда, мажлис баённомасига киритиладиган махсус фикр билдиришга ҳақли. Агар махсус фикр ёзма равишда ифода этилган бўлса, унда у мажлис баённомасига бириктирилади.

6.5. Тафтиш комиссияси мажлисининг баённомаси жамиятнинг ижроия органига, шунингдек кузатув кенгашига тавдим қилинади. Тафтиш комиссияси мажлисининг баённомалари жамиятнинг ижроия органи жойлашган ерда сақланади.

6.6. Ҳисоботлар, хуласалар, далолатномалар, тафтиш комиссиясининг навбатдан ташқари акциядорлар умумий йиғилиши ва кузатув кенгаши йиғилишини чақириш бўйича талабномалари, тафтиш комиссиясининг қарорлар қабул қилишда овоз берган аъзолари томонидан имзоланади.

VII. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

7.1. Мазкур Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар белгиланган тартибда жавобгарликка эга бўладилар.

7.2. Агар мазкур Низомнинг алоҳида моддалари Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги ва/ёки Жамият Уставига зид келган тақдирда, унда ушбу моддалар ўз кучини йўқотади ва унинг мазкур моддалар билан тартибга солинадиган қисмида, мазкур Низомга тегишли ўзгартиришлар киритилгунга қадар, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги ва/ёки Жамият Устави нормаларига амал қилиш керак.